



ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рахимжонов Азизжон Воҳиджон ўғли -
ЎзМУ Макроиктисодиёт кафедраси
таянч докторанти (PhD)

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a27

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг бугунги кундаги ҳолати ва унда юз берадётган ўзгаришлар ҳамда уларнинг аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга ижобий таъсири ўрганилди. Бундан ташқари пенсия тизими ривожлантириш йўналишлари тадқиқ этилди ва такомиллаштириш зарурати бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калим сўзлар: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий хизматлар, ижтимоий сиёсат, пенсионер, нафақаҳўр, уч даражали пенсия тизими, хусусий пенсия фонdlари.

РЕФОРМЫ И УЛУЧШЕНИЯ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Рахимжанов Азизжон Воҳиджонович -
НУУз “Кафедра макроэкономики”
Базовая докторская степень (PhD)

Аннотация. В статье рассматривается современное состояние пенсионной системы Узбекистана и происходящие в ней изменения, а также их положительное влияние на благосостояние и уровень жизни населения. Кроме того, были изучены направления развития пенсионной системы и разработаны предложения и рекомендации о необходимости совершенствования.

Ключевые слова: социальная защита, социальные услуги, социальная политика, пенсионер, трехуровневая пенсионная система, негосударственные пенсионные фонды.

REFORMS AND IMPROVEMENTS OF THE PENSION SYSTEM IN UZBEKISTAN

Rakhimjanov Azizjon Vohidjon ogli
NUUz “Department of Macroeconomics”
Basic Doctorate (PhD)

Annotation. The article examines the current state of the pension system in Uzbekistan and the changes taking place in it, as well as their positive impact on the welfare and living standards of the population. In addition, the directions of development of the pension system were studied and proposals and recommendations on the need for improvement were developed.

Key words: social protection, social services, social policy, pensioner, the retired person, three-tier pension system, non-state pension funds.

Кириш. Жаҳондаги пенсия тизимлари тараққиётининг жорий босқичида шаклланган тақсимот механизмини янги шароитларга мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигига қарамай, ривожланган мамлакатларда пенсия ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири нодавлат пенсия фондларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш масаласидир. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда муайян тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо шунга қарамай, давлат хизматчилари ва мутахассислар ўртасида давлат таянч пенсияларини кафолатлаш лозим, айни вақтда нодавлат мулкчилик шаклидаги жамоавий ва якка тартиbdаги пенсия шаклларига кенг йўл

бериш керак, деган иқтисодий ёндашув та-рафдорлари тобора кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда нодавлат пенсия фондлари фаолиятини шакллантиришнинг институционал асосларини яратиш, нодавлат пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш орқали аҳолининг пенсия ёшига етганида пенсия тўловлари бўйича танлов ҳуқуқларини жорий этиш, нодавлат пенсия фондлари маблағларидан са-марали фойдаланиш ҳисобига инвестицион фаолликни ошириш, миллий пенсия тизими-нинг стратегик вазифасидан келиб чиқиб аҳолини ихтиёрий пенсия суғуртаси соҳасига фаол жалб этиш, пенсионерлар турмуш дара-жасини оширишга қўмаклашишда нодавлат пенсия фондларининг ижтимоий аҳамиятини

янада ошириш каби долзарб муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш”[1] муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Уларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини шакллантириш ва инвестицион фаолиятни оширишнинг илмий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ишловчининг ўзини мустақил таъминлашга эҳтиёжи ва доимий интилиши уни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради. Бу далилнинг бошқа жиҳати инвестицион жараёнларни такомиллаштириш мақсадларидан келиб чиқади. Келажакда мустақил моддий таъминланиш тўғрисида қайфуреш ёлланма ишловчининг меҳнат фаолияти жараёнида ўз хоҳишига кўра жамғармалар шакллантиришга мажбур этади. Уларнинг банклардаги жамғарилган маблағлари инвестиция сифатида фойдаланилиши ва меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада белгиланган муддатда пенсионерлар даромадлари ҳаракатга келади ва ушбу маблағлар иктиносидиётни ривожлантиришга йўналтирилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иктиносидий ислоҳотларнинг янада чуқурлашуви аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзиллигини кучайтириш, мавжуд пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини модернизациялашни тақозо этмоқда. Иктиносидиёт барқарор ривожланишининг асосий омили инвестицион фаолликни қўллаб-кувватлаш учун молиявий ресурслар жалб этиш ҳисобланади. Дунё мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия ислоҳотларининг мақсади самарали, молиявий барқарор бўлган, пенсионерлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган пенсия тизимини шакллантириш ҳисобланади[2].

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда пенсионерларга муносиб қарилекни таъминлаш мақсадида хориж мамлакатларининг бой

тажрибаларидан кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Иваненко пенсиялар тўхталиб, “муайян тоифадаги фуқароларни давлат томонидан моддий қўллаб-кувватлаш шакли сифатида, дастлабки қайд этишлар узоқ даврга, антик замонларга бориб тақалишини қадими Юноностонда давлат олдида алоҳида хизматларга эга кекса фуқароларга нафақалар берилганини, Рим империясида ҳарбий хизматчиларни бутун ҳаёти давомида сақлаб туриш учун ҳарбий пенсиялар жорий этилганини қайд этиб ўтади” [3].

Владлен Бончик “нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлиги жамғарма ўз пенсия мажбуриятларини жамғарманинг молиявий оқимларига таъсир этувчи омиллар таъсири остида бажара олиш қобилиятини кафолатлашидир” деб таъриф беради [4].

Оскоминанинг фикрича эса “хусусий пенсия фондлари пул маблағларини узоқ муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Хусусий пенсия фонди пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 % ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат бўлади”[5].

Шунингдек, Григорьев тадқиқотларида корпорацияларнинг пенсия фондларида иштирок этиши хусусида тўхталиб, корпорациялар давлат пенсия таъминоти тизимида ёки бўлмаса корпоратив нодавлат пенсия фондларида иштирок этиши мумкинлигини таъкидлайди. Хусусан, корпоратив пенсия фонди ташкил этиши орқали пенсия таъминоти тизимида иштирок этиши ходимларининг келгусида юқори пенсия таъминотига эга бўлиши билан бирга, корпорациялар учун узоқ муддатли ресурс жамғариш ва улардан юқори даромад олиш имкониятини юзага келтиришини асослаб берган [6].

Полякованинг тадқиқотларида корпоратив пенсия фондлари ривожланиши ва уларнинг фаолияти таҳлили келтирилган. Хусусан, унинг тадқиқотларида давлат пенсия фондларига нисбатан корпоратив пенсия фондларининг афзалликлари ва уларнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари хусусида тўхтадади. Унинг фикрича, корпоратив пенсия фондлари давлат пенсия фондлари билан биргаликда уйғунликда олиб борилиши, яъни корпоратив пенсия тизимида иштирок этувчиilar қисман давлат пенсия фондида ҳам

иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди [8].

В.Хмировнинг таъкидлашича, нодавлат пенсия фондлари бошқа барча иқтисодий институтлар сингари ўз фаолиятлари учун, асосан, ноаниқ ва хавфли бўлган ташқи муҳитда иш олиб боришлигини таъкидлаш мумкин. Жамғарма учун ташқи ва ички омилларнинг таъсиридан келиб чиққан НПФ хавфини пенсия мажбуриятларини тўламаслик эҳтимоли сифатида изоҳлаш мумкин [7].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар орасида А.В.Вахабов пенсия тизимини ислоҳ этиш зарурати, хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишларини чуқур таҳлил қилган. У ўзининг илмий тадқиқот ишларида пенсия тизимини ислоҳ этишининг жаҳон тажрибасини таҳлил қилган, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг пенсия тизимини ислоҳ этишга таъсири ва Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илфор тажрибасидан ижодий фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан [15].

Зиядуллаевнинг (2018) таъкидлашича, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни тақозо этади. Жаҳон тажрибасига кўра, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш бошқа даромад ҳисобга олинган ҳолатда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кесаликда камбағалликдан ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Пенсия тизими таъминот асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимига хизмат қилувчи пенсия жамғармаси учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, аҳоли ижтимоий табақалашувини юмшатишга йўналтирилганлиги, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиши муддатларининг мос келмаслиги, мустақил молия-кредит ташкилоти ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма эканлиги ҳамда ижтимоий таъминотнинг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар хосдир [13].

Д.Р.Рустамов ўзининг илмий тадқиқотларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини ўрганган [14].

Яна бир иқтисодчи олимлардан Ш.У.Ражабов эса айнан пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаларини ўрганган ва Ўзбекистон пенсия тизимини ривожлантириш бўйича ўзининг илмий ва амалий тавсияларини ишлаб чиққан [12].

Тадқиқот методологияси. Пенсия тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, ҳозирги кунда юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва келажакда такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши бўйича билишнинг қиёсий-хуқуқий, тизими-мантиқий таҳлил, илмий таҳлил этиш усулларидан кенг фойдаланилган. Нодавлат пенсия фондларининг молиявий рискларини бошқариш усулларининг иқтисодий моҳияти ва турлари хусусида иқтисодий адабиётларда турли-туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Бироқ уларнинг шакли ва шамойили турли-туман бўлгани билан мазмуни битта мақсадга қаратилган. Шу жиҳатдан ушбу масалага яна бир бор ойдинлик киритиш мақсадида: “Нодавлат пенсия фондлари рискларини бошқариш усуллари жамғарманинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун рискларни бошқариш, уларнинг хавфсиз даражаси таъминланганлигини баҳолашга хизмат қиласидан ёндашув ва тенгликлар мажмуудир” тарзидаги иқтисодий таъриф берилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда ўтган тарихан қисқа бир даврда ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва марралар қўлга киритилди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида ижтимоий масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [1] фармонининг 4-асосий йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган бўлиб, унинг 4.2-бандида “аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб унда: **биринчидан**, аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишини яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизмат-

лар кўрсатишида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш; **иккинчидан**, пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари кўрсатиб берилган.

Бугунги кунга қадар Ҳаракатлар стратегияси доирасида пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, ишловчи пенсионерларга пенсиялари миқдори 100 % қилиб белгиланди, 2019 йили “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун 31-моддасига (“Ўртacha ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби”) [12] ўзгартиш киритилиб, пенсия тайинлашда аниқланадиган ўртacha иш ҳақи миқдорининг чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига ўзgartирildi ва ушбу кўрсаткични босқичма-босқич ошириб бориш ва иқтиқболда бекор қилиш режалаштирилмоқда, шу билан бирга, ўзимизга хос ва мос пенсия тизимини яратиш ва ривожлантириш учун пенсия тизимини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги [2] фармони билан давлат дастури тасдиқланди.

Фармонда пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш, ўшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш, талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

Биргина пенсия тайинлашни оладиган бўлсақ, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор тартиблар белгиланмоқда. Таъкидлаш лозим, пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқатсиз ва камбағал фуқароларнинг турмушини яхшилашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутади. Шу маънода фармоннинг 10-банди-

га асосан пенсиялар тайинлаш ва тўлашда 2021 йил 1 июндан бошлаб қуйидаги тартиб жорий қилинди [2]:

- пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

- уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

- ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;

- пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

- пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнida ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

- фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда оловчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиқкан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Фармоннинг 11-бандига кўра пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида 2021 йил 1 февралгача аниқланган ортиқча тўлов қарзи ҳисобдан чиқарилади. Юқоридаги дастурда белгиланган бу каби қулайликлар аҳолининг сарсон бўлишининг олдини олишга, давлатдан розилик ҳиссини оширишга хизмат қиласи.

Пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича қилинаётган ишларнинг асосийси З-даражали пенсия тизимига ўтиш тартиби ҳиджабади.

собланади. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси нуфузли халқаро молия ташкилотлари, хусусан, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва Россия Федерацияси Молия вазирлигининг илмий тадқиқотлар институти экспертларини жалб қилган ҳолда хорижий мамлакатларнинг пенсия таъминотини, шу жумладан, З босқичли пенсия тизимини ташкил қилиш тажрибаларини ўрганмоқда.

Уч даражали пенсия тизими қўйидаги афзалликларга эга:

➤ биринчи даражা – пенсия тизимидағи вазифасига кўра ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу даражага меҳнатга қобилиятызиз аҳоли қатлами яшашини таъминловчи пенсия ҳажмини кафолатлайди. Бу даражада давлат томонидан иш стажи, суғурта стажи ва пенсионернинг суғурта ҳисобидаги жамғарма ҳажмидан қатъи назар минимал пенсияни белгилайди. Бу даражага ижтимоий характерга эга;

➤ иккинчи даражага – пенсионернинг суғурта ажратмалари ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Ушбу даражанинг асосий мақсади пенсионерни олдинги, меҳнат қобилиятига эга бўлган даврдаги молиявий шароитини сақлаб қолиш. Бу даражага фаол ишловчи фуқаро учун мўлжалланган бўлиб, уни юқори тўланиладиган иш жойида ишлашга, пенсия ёшида фойдаланиш учун даромадининг бир қисмини жамғаришга рағбатлантиради. Функцияси ва вазифаларига кўра ушбу даражага учта босқич ичида энг асосийси бўлиб, у пенсионерга юқори ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган;

➤ учинчи даражага – ишчининг хоҳиш ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда пенсия ёшига етгач, пенсия ҳажмини оширишга қаратилган бўлиб, у индивидуал ва қўшимча функцияга эга. Пенсия тизимининг ушбу босқичи давлат ва нодавлат суғурта компаниялари, банклар, пенсия ва бошқа фонdlарнинг иштироки асосида ташкиллаштирилади.

Агар давлат биринчи икки босқичларда: уларнинг ташкил қилиниш шартлари, пенсия таъминоти ҳажмини белгилашда иштирок этса, учинчи босқичда давлат тўғридан-тўғри иштирок этмайди, бироқ шартнома ва ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилишида кузатувчи вазифасини ўтайди.

Пенсия истеъмол қобилиятини таъминлашнинг яна бир йўли пенсия индексацияси ҳисобланади. Ўзбекистонда аралаш ҳолатда индексациянинг икки кўриниши қўлланилади: давлат имконияти ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда систематик ва бир маро-

табалик индексация. Систематик индексация мамлакатдаги нархларнинг ёки ўртача ойлик иш ҳақининг оширилиши билан амалга оширилади. Бундан ташқари амалга ошириладиган индексация давлатни иқтисодиётдаги инфляция устидан расмий назорат олиб бораётганини билдиради, лекин қонун жиҳатдан ушбу жараён муҳлати ва амалга оширилиш ҳолатлари белгиланмаган. Пенсия истеъмол қобилияти сезиларли ҳолатда тушиб кетса, бир маротабалик пенсия ва ишчилар ойлиги индексацияси амалга оширилади. Бу Ўзбекистоннинг пенсия тўловларини стабил ҳолатда ушлаб туришидаги ўзига хослиги ҳисобланади. Пенсия индексацияси учун молиявий манбалар ўртача ойлик иш ҳақини ошириш билан автоматик равишда Пенсия фондига суғурта бадалларини кўпайтириш ёки маҳсус бадаллар (масалан, маҳсулот реализациясидан 0,7 фоиз), маҳсус ҳукумат субсидиялари, жамғариш Пенсия фондидаги бўш пул маблағларини инвестиция қилишдан олинадиган келажакдаги даромадларни киритиш орқали аниқланилади.

Дарҳақиқат, ҳеч бир натижага шунчаки эришиб бўлмаганидек, Ўзбекистоннинг ҳам бугунгидек барқарор ривожланаётган, дунёнинг ҳайрат ва ҳавасини келтираётган мамлакат сифатида ном қозониши ўз-ўзидан бўлган эмас. Бугунги кунга келиб, дунёда соғлиқни сақлаш сифати яхшилангани, тиббиётнинг жадал тараққий этаётгани, санитар назоратнинг такомиллашаётгани, таълимдан фойдаланишнинг кенгаяётгани, иқтисодий фаронвонлик боис кексаларнинг улуси борган сари кўпаймоқда. Узоқ умр кўриш инсоният тараққиётининг энг катта муваффақиятларидан биридир. Шу билан бирга, кўплаб мамлакатларда ижтимоий бюджетни шакллантириш, пенсия тизимини яратишда юзага келаётган муаммолардан қочиб бўлмаяпти. Бунинг устига меҳнатга яроқли ахолининг қисқариши солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда, натижада ортиб бораётган пенсионерларнинг моддий-ижтимоий шароитларини барқарор сақлаб туриш қийинлашмоқда.

Ишловчининг ўзини мустақил таъминлашга эҳтиёжи ва доимий интилиши уни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради. Бу далилнинг бошқа жиҳати инвестицион жараёнларни такомиллаштириш мақсадларидан келиб чиқади. Келажакда мустақил моддий таъминланиш тўғрисида қайғуриш ёлланма ишловчини ўзининг меҳнат фаолияти жараёнида ўз хоҳишига кўра жамғармалар шакллантиришга мажбур этади. Уларнинг

банклардаги жамғарилувчи маблағлари инвестиция сифатида фойдаланилиши ва меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада белгиланган муддатда пенсионерларнинг даромадлари ҳаракатга келади ва ушбу маблағлар иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилади. Зоро, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда ҳар бир соҳани такомиллаштириш муҳим ва шарт ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар пенсия тизими олидидаги асосий муаммо – пенсионерлар улушкининг ортиб бориши, албатта. Бу бўйича кўплаб давлатлар амалий ишларни бошлаб юборган, жумладан, пенсия фондларини хусусийлаштириш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, 21-асрга келиб, пенсия ёшини ошириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу ўринда малакатимизда ҳам хориж тарибаларига таянган ҳолда пенсия тизимида демографик муаммонинг олдини олиш ва барта-раф этиш учун дастлаб хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур ва шарт ҳисобланади. Ушбу хулосалар асносида Ўзбекистондаги пенсия тизимини янада такомиллаштириш ва ислоҳ этиш учун қўйидаги йўналишларда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилишини таклиф қиласман:

Биринчидан, бугунги кундаги пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий вазифа пенсия жамғармасига тўлана-надиган бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрнатиш керак;

Иккинчидан, мамлакатларнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига мувофиқ, хусусий пенсия жамғармаларини бошқариш-

нинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китобларни олиб бориш, бадалларни йиғиши, хусусан, пенсия жамғармалари фаолияти устидан назорат юритиш ва тартибга солиш бўйича институционал салоҳиятни шакллантириш лозим;

Учинчидан, пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва республикада пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларидан бири бўлган имтиёзли пенсия тайинланишини камайтириш лозим;

Тўртингчидан, иш ўринларини кўпайтириш билан бирга аҳолини ихтиёрий жамғарип бориладиган пенсия тизимига кенгроқ жалб қилиш;

Бешинчидан, жамғарип бориладиган пенсия маблағларини кафолатланган инвестицияларга жалб этиш;

Олтинчидан, пенсия таъминотининг келажакдаги асосий устувор йўналишларини белгилаб олиш, шунингдек, бунда мамлакатнинг демографик ўзгаришлари, аҳоли даромадларининг ўсиши, пенсия жараённада иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш каби вазифалар ўз аксини топиши лозим.

Ўзбекистонда 2022-2050 йилларда аҳоли таркибида пенсионерлар улушкининг ошишини инобатга оладиган бўлсақ, пенсия ёшидаги аҳоли соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларининг етакчи истеъмолчиси бўлади, бу эса ЯИМда хизматлар соҳаси улушкининг ортишига, пировардда эса миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласми. Шунинг учун пенсия ёшини ошириш ва пенсия тизимида қўшимча манбаларни ташкил этиш иқтисодиёт учун ҳам, фуқароларнинг пенсия ёшидан кейинги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони. 07.02.2017 йил. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони.
3. Иваненко Л.В. Пенсионный Фонд Российской Федерации. – М.: Дашков, 2002, С. 396.
4. Владлен Бончик. «Обеспечение финансовой устойчивости НПФ» статья «пенсионный фонды и инвестиции». 2006. № 3.
5. Оскомина Чилийского чуда. // Фонд "Антикризис". 2009. 27 июля.
6. Григорьев А.А. (2010) Направления и формы участия корпораций в пенсионной системе. Участие корпораций в пенсионной системе. Бизнес в законе. № 2.
7. Хмиров В.В. «Управление кредитными рисками и рисками ликвидности в деятельности негосударственных пенсионных фондов». Бизнес в законе 2013.

8. Полякова А.Г., Гришина Е.Е., Коокуева В.В. «Оценка практики функционирования корпоративных пенсионных систем в Российской Федерации». *Economic Sciences. Фундаментальные исследования.* № 6. 2014.
9. Солодов А.К. «Основы финансового риска менеджмента». Мастерпринт 2018.
10. Зиядуллаев М.Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини бошқариш ва таомиллаштириш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2018. – 116 бет.
11. Вахобов А.В., Мажидов Н.М. Жамғарип бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: Университет, 2017. 3-б.
12. Ражабов Ш.У. «Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиши бўйича диссертацияи авторефарати. – Т., 2018.
13. Вахобов А.В., Хожибоқиев Ш.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг таркиби ва манзиллигини кучайтириши муаммолари: Халқаро тажриба ва миллӣ ҳусусиятлар. / «Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришишнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2018.
14. Рустамов Д.Р. «Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари» мавзуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Dc) даражасини олиш бўйича авторефарати. – Т., 2018.
15. <https://lex.uz/docs>.



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a28

Рузиев Ганишер Усарович -
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институт ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига доир солиқ имтиёзларининг аҳамияти ёритилган ҳамда имтиёзлар самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар келтириб ўтилган.

Ключевые слова: жисмоний шахслар, даромад, турмуш даражаси, солиқ, имтиёз, самарадорлик.

ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТОВ ПРИ НАЛОГООБЛОЖЕНИИ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

Рузиев Ганишер Усарович -
Преподаватель Фискального института при
Государственном налоговом комитете
Республика Узбекистан

Аннотация. В статье подчеркивается важность льгот по налогу на доходы физических лиц и предлагаются предложения по повышению эффективности льгот.

Ключевые слова: физические лица, доход, уровень жизни, налоги, льготы, эффективность.

ISSUES OF THE EFFECTIVE USE OF TAX BENEFITS IN THE TAXATION OF INCOME OF INDIVIDUALS

Ruziev Ganisher Usarovich -
Lecturer at the Fiscal Institute under the State Tax
Committee of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article highlights the importance of personal income tax benefits and offers suggestions to improve the effectiveness of benefits.

Keywords: individuals, income, standard of living, taxes, benefits, efficiency.